2012 йил 13 август, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (12.220)

Баҳоси эркин нархда

Мустақиллик · Independence · Независимость 21 O'zbekiston

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







## ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА






***Истиқлолнинг қутлуғ санасини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир туманда кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Шайхонтоҳур тумани аҳолиси ҳам барча соҳаларда ғайрат билан меҳнат қилиб, Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллик шодиёнасини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш ҳаракатида.***

Шайхонтоҳур тумани 1934 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудуди 2720,4 гектарни ташкил этади. Туман ҳудудидан Кўкча, Бўзсув, Кайковус каналлари оқиб ўтади. Мустақиллик йилларида туман ҳудудида Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ислом университети, Божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей каби замонавий иншоотлар қад ростлади.

Туман ҳудудида Кўкалдош мадрасаси (XVI аср), Шайх Зайниддинбобо мақбараси (XIII-XIV асрлар), Нуриддинбобо мақбараси (XVI аср), Хўжа Аламбардор мажмуаси (XIX аср), Шайх Хованди Тоҳур (XV-XX асрлар), Сузукота мажмуаси (XVI аср), Коҳота мажмуаси (XIX аср) каби бир қатор республика ва маҳаллий аҳамиятдаги меъморий ёдгорликлар мавжуд.

Туманда 49 та маҳалла мавжуд бўлиб, бугунги кунда 284464 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, туманда ислоҳотлар давом эттирилиб, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ривожланиш таъминланганининг гувоҳи бўламиз. Замонавий ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 49,2 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,2 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 0,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 2,5 фоизга, чакана савдо айланмасининг 5,4 фоизга, жами хизматлар ҳажмининг 14,5 фоизга, пуллик хизмат ҳажмининг 25,5 фоизга, экспортнинг эса 13,9 фоизга ўсишига эришилди.

Бандлик дастури доирасида жами 4500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, унинг 60,9 фоизини кичик бизнес соҳаси ташкил этади.

Йилдан йилга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган туманда 45 та мактабгача таълим муассасалари, 37 та умумтаълим мактаблари, 9 та касб-ҳунар коллежлари, 4 та академик лицейлар, 4 та олий ўқув юртлари мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, Шайхонтоҳур тумани аҳолиси Мустақиллигимизнинг улуғ шодиёнасини кўтаринки кайфият ва муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган.

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

***Юртимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Шанхай Халқаро тадқиқотлар академиясининг президенти Ян Цзэминь «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг ривожланиши ва мамлакатимиз истиқлол йиллари давомида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

## ЯН ЦЗЭМИНЬ: «ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ МУҲИМ ШЕРИК»

– Хитой Ўзбекистонга минтақадаги муҳим шерик сифатида қарайди. Мамлакатингиз билан муносабатлар Пекин учун устувор аҳамият касб этади. Маълумки, сўнгги йилларда қатор муҳим икки томонлама ташриф ва учрашувлар бўлиб ўтди. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада чуқурлашиши ва кенгайиб боришига ҳисса қўшди.

Шуниси қувонарлики, давлатларимиз халқаро ва минтақавий даражадаги долзарб масалалар бўйича ўхшаш ва яқин нуқтаи назарларга эга бўлгани ҳолда, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида муваффақиятли ҳамкорликка эгадирлар.

Жадал равишда ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги сермаҳсул ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистоннинг жўғрофий жиҳатдан қулай жойлашуви, бой табиий ресурслари ва тараққий этган саноати Хитой ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тўғри йўл танлаб олинган. Замонавий ривожланган давлатлар сафидан жой олиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш сингари юксак мақсадларга эришиш йўлида мамлакат халқи давлат етакчиси атрофида жипслаша олгани алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатдир.

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли муваффақиятларга эришгани ҳолда, иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини таъминлай олди. Бугун мамлакатингиз улуғ байрам – ўз истиқлолининг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Яқинлашиб келаётган ушбу қутлуғ байрам муносабати билан ўзбек халқига мустаҳкам тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман, — деди хитойлик эксперт.

**«Жаҳон» АА**

Қарор ва ижро

## ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон саломатлигини асраш ва унинг манфаатларини таъминлашдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда фармацевтика саноатининг ҳам алоҳида ўрни бор.***

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ушбу тизимда амалга оширилаётган модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари самарасида қисқа даврда бир юз йигирмадан ортиқ корхонани ўз ичига олган миллий фармацевтика саноати шаклланди ва у ички бозоримизнинг учдан бир қисмини қоплайдиган маҳсулот етказиб берувчи ривожланган соҳага айланди.

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни ушбу йўналишда фаолият юритаётган илғор бирлашмалардандир. Концерн тизимида тўқсонга яқин ишлаб чиқариш корхонаси ва учта илмий-тадқиқот муассасаси фаолият юритмоқда.

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концернидан маълум қилишларича, ушбу корхоналар томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида қарийб бир юз олтмиш миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоиз кўпдир. Давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани ишлаб чиқарувчиларимизнинг бундай юқори натижаларга эришишида ва бозорларимизни сифатли маҳсулот билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида «Истиқлол куйлари» деб номланган ижодий кеча уюштирилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида «Мустақиллик бахтим — омадим» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **АЛИШЕР НАВОИЙ** номидаги Ўзбекистон Миллий боғида лапар ва ўлан ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

✓ **МИРЗО УЛУҒБЕК** номидаги Маданият ва истироҳат боғида «Мафтункор ранглар олами» мавзуидаги кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона шаҳрида кичик бизнес ва экспорт масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда солиқ, адлия, божхона идоралари ходимлари, кичик корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди.**

**● Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик байрами арафасида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бажарилган бунёдкорлик ишларини «Юксак обод қурилиш» хусусий корхонаси амалга оширди. Мактаб учун замонавий андозалар асосида икки қаватли янги ўқув биноси қурилди, мавжуд иншоотлар тубдан реконструкция қилинди. Иситиш тизими, электр энергияси ва сув таъминоти яхшиланди. Концерт залига замонавий ёритиш ва овоз кучайтириш жиҳозлари ўрнатилди.**

**● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоаси фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир доирасида уюштирилган мавзуга оид викторинада фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар муносиб тақдирланди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Шаббоз ва Навоий номидаги овул фуқаролар йиғини ҳудудида қуввати 500 кубометр сиғимга эга иккита замонавий сув тақсимлагич ишга туширилди. Натижада ҳудудда истиқомат қилаётган 2 минг нафарга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Филиппиндаги тинимсиз ёмғирлар туфайли рўй берган сув тошқини оқибатида 15 миллион аҳолиси бор пойтахт Манила энг кўп зарар кўриб, мегаполиснинг 80 фоизи сув остида қолиш хавфи юзага келган. Баъзи жойларда сув бир ярим метр баландликка етган. 70 дан ортиқ инсон офат қурбони бўлди.**

**● АҚШ олимлари тарвуз гипертония хасталигининг олдини олиш ва уни даволаш хусусиятига эга, деган фикрда. Маълумотларга қараганда, ушбу полиз экини таркибидаги моддалар қон босимини меъёрда сақлаб турувчи айрим дори воситаларининг ўрнини босиши мумкин. Бир гуруҳ беморлар иштирокида олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, тарвуз таркибидаги аргинин ва цитруллин инсон организмидаги қон босимини оширувчи моддаларнинг фаоллашиш жараёнини сусайтиради.**

**● Нигерияда нефть қазиб олиш бўйича рекорд натижага эришилди – кунига 2,7 миллион баррель «қора олтин» қазиб олинмоқда. Маҳаллий нашрларнинг ёзишича, сўнгги ойларда мамлакатда нефть ишлаб чиқариш ҳажми кунига 2-2,4 миллион баррелдан ошмаган. Нигерия иқтисодиётининг катта қисми нефтдан тушадиган даромадга боғлиқ бўлгани боис, мамлакат ҳукумати бу борадаги ўсиш суръатларини юксалтириш йўлида қатор чоралар қўлламоқда.**

**● БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълум қилишича, дунё миқёсида сўнгги бир неча ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи пасайиб кетган бўлса, июлга келиб улар умумий миқдорда 6 фоизга ошган, жумладан, дон маҳсулотлари қимматлашиб, гўшт маҳсулотлари арзонлашган.**

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!







## ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА







## МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМДА

**Рихсивой АРИПОВ, «Янгишаҳар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Мустақилликнинг 20 йиллиги» кўкрак нишони ва «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Кўкча даҳасида жойлашган маҳалламизнинг аҳоли сони 3800 нафарни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, Мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг маҳалламиз ҳам ўзгача чирой очди. Оқсоқол сифатида ўз имкониятларимдан келиб чиққан ҳолда маҳаллада муайян тизимни йўлга қўйиш, кишиларнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда ишлашга ҳаракат қиламан. Чунки ҳар бир ҳаракатимиз билан маҳалламиз ҳаётини яхшилашга, фаровонлигини оширишга эришишимиз мумкин.

Маҳаллада олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини бермоқда. «Маҳалла тарихини ўрганаман», «Энг намунали маҳалла оқсоқоли», «Энг обод маҳалла» йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритдик.

Камтарона меҳнатларим давлатимиз томонидан қадрланиб, «Мустақилликнинг 20 йиллиги» кўкрак нишони ва «Дўстлик» ордени билан мукофотландим.

Эндиликда бор куч ва ақл-идрокимни ишга солган ҳолда маҳалламизни янада обод ва файзли гўшага айлантириш йўлида фаоллар билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдаман. Қонун устувор бўлган ерда ютуққа ҳам эришилади. Биз ҳам ўз фаолиятимизда шунга эътибор қаратамиз. Ҳамкорликда ишлайдиган бир қатор ташкилотлар бор. Бундай ҳамкорликлар юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Муаммоларга барҳам бериш мақсадида маҳаллада истиқомат қиладиган зиёлилар билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритамиз. Ана шундай тизимга амал қилиб ишлаганда албатта, барча ишлар юришиб кетади.

## БАХТЛИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

***Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 468-сонли «Гавҳар учқунлари» мактабгача таълим муассасасига кириб келган кишининг аввало ҳудуддаги тозалик, ободончилик ишларидан кўнгли яйрайди. Ҳовлидаги терак, арча, манзарали, мевали дарахтлар ва гуллар боғча кўркига кўрк қўшмоқда.***

Ёзги айвончалар, сув ҳавзаси болажонларнинг севимли гўшасига айланган. Сўлим, баҳаво жойларда болаларнинг шўх-шодон кулгусини эшитиб, беихтиёр биз ҳам болаликка қайтгандек бўлдик. Болажонларнинг шинам ва ораста хоналари, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган қулайлик, шарт-шароитлардан эса кишида ҳавас, фахр-ифтихор туйғулари уйғонади.

— Соғлом болалар кучли ва бахтли авлод давом этишининг гаровидир. Мактабгача таълим муассасамиз 1972 йилда ташкил топган бўлиб, 240 ўринга мўлжалланган, болалар ҳозирда 12 та гуруҳда тарбияланишмоқда, — дейди ушбу муассаса мудираси Муқаддам Жаҳонова. — Муассасамиз 2011 йилдан бошлаб ҳомийлар ёрдамида қайта таъмирланмоқда. Ҳовлимиз, ошхонамиз, омборхоналаримиз қайта таъмирдан чиқди. Ёзги айвончаларимиз бузилиб, қайтадан қурилди.

Болаларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан яхши ривожланишини таъминлаш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилган. Бола танасининг касалликларга чидамли бўлиши учун боғчамизда катта эътибор қаратилади. Ўйинлар ва машқлар болага ижтимоий, жисмоний ва ақлий ривожланишга ёрдам беради. Зеро, мактабгача таълим ва тарбия билим бериш учун мустаҳкам замин яратади ва болаларни мактабга тайёрлаш жараёнини осонлаштиради.

Гуруҳларимиздаги шарт-шароитлар ҳозирги куннинг талабига жавоб беради. Ходимларимиз янги педагогик дастур асосида ишлашади. Белгиланган вақтда тарбиячиларимиз малакасини ошириб келишади. Коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратилган. Ҳозирда коллеж битирувчиларининг 4 нафари муассасамизда фаолият юритмоқда.

Йил давомида режага асосан тадбирлар ўтказиб келинади. Яқинда боғчамизнинг очилганига 40 йил тўлиши ва қайта таъмирдан чиққани муносабати билан катта тадбир ўтказдик.

Ҳар бир бола алоҳида эътибор, меҳр ва ғамхўрликка муҳтож. Ана шунга катта эътибор қаратилса, баркамол авлод ниҳолини муносиб парваришлаётган бўламиз.

## ОБОДЛИК ВА АҲИЛЛИК МАСКАНИ

***Айни кунларда файзли гўша бўлмиш маҳаллаларда мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Айниқса, тумандаги «Ўзбекистон» маҳалласи меҳр-оқибатли кишилари ва ҳамжиҳатликдаги ишлари билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда.***

Олмазор туманидаги «Чиғатой Оқтепа», Шайхонтоҳур туманидаги «Бўстон», «Жарариқ», «Белтепа» маҳаллалари билан чегарадош бўлган «Ўзбекистон» маҳалласи ҳудудида ёқилғи қуйиш шохобчаси, хусусий поликлиника, нoввойхона, «Софдил файз» озиқ-овқат дўкони, Тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, дорихона, ошхона, 45-оилавий поликлиника, «Фаровон» тўйхонаси ва ҳар хил корхона, ташкилотлар жойлашган.

— «Ўзбекистон» маҳалласи 1985 йили ташкил топган бўлиб, 4800 нафар аҳоли тинчлик-тотувликда истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидумар Ҳожиакбаров. — Йигирмага яқин кичик корхона, мебель цехлари, сартарошхона, маиший хизмат кўрсатадиган шохобчалар бор. Улар халққа хизмат кўрсатиб, турмушларида янада фаровонлик яратмоқда. Маҳалла ҳудудида 31 та кўча бўлиб, деярли барчаси ҳомийлар томонидан таъмирланди. Режалаштирилган ишларимизга кўра байрамгача кўчаларимизнинг қолган қисмларини асфальтлаш ишларини тугатмоқчимиз. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ҳимояга муҳтожларга ёрдам бериш учун биргаликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида маҳаллада кенг кўламли ишларни амалга оширяпмиз. Ҳар шанба тозалик кунида маҳалла аҳолиси ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Қизларимиз ва келинларимиз эрта тонгдан кўчаларни супуриб, тозалаб қўйишади. Озода кўчаларимизни кўриб, баҳри дилингиз яйрайди.

Шунингдек, маҳалламизда турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, кечалар ташкил этиб келинмоқда. Маҳаллада истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайрия ёрдамлари кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Келгусида қилинадиган ишларимиз ҳам талай.

## МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Тумандаги 45-оилавий поликлиника ҳозирги кунда 32 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ушбу поликлиниканинг қўли енгил шифокор, ҳамшира ва тиббий ходимлари ўзларининг ҳудудларига қарашли хонадонларда яшовчи аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимига қаратаётган эътибори биз, шифокорлар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 45-оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Шермуҳамедова. — Поликлиникамиз биноси 1987 йил бунёд этилган бўлиб, 2007 йилда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланиб, янги замонавий тиббий жиҳозлар, асбоб-анжомлар билан таъминлангани ҳолда фойдаланишга топширилди. Салкам 6000 га яқин ёш болаларимиз ва 1750 нафар ўсмирларимиз бор. Катта ёшдаги аҳоли сони 8500 ни ташкил этади. Туғиш ёшидаги аёлларимиз бор.

142 та ходимларимиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда 38 нафар шифокор, тор мутахассисларимиз ҳам бор. Поликлиника қайтадан таъмирдан чиққанида лаборатория қисми алоҳида бўлимларга бўлиб қурилди. Аҳолига кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида поликлиника ҳудуди учта корпусга бўлинган. Даволаш, лаборатория, ташхис қўядиган, рентген, хўжалик бўлимлари, бундан ташқари кундузги шифохонамиз бор. Таъкидлаш жоизки, ушбу муассасанинг ўзида амбулатор поликлиника шароитида фуқароларни кўриб, ташхис қўйиб, ёрдамчи диагностикадан фойдаланиб, даволаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Агарда стационар шароитида даволанишга муҳтож бўлса йўлланма билан бошқа ёрдамчи тиббий муассасага юборишимиз мумкин.

Ўзимизда 10 ўринга мўлжалланган кундузги шифохонамиз бор. У ерда юқори малакали, олий тоифали шифокорлар фаолият олиб боришади. Невропатолог, кўз шифокори, травматолог, ортопед, гинеколог, кардиолог, барча тор доирадаги мутахассислар бор. Сўнгги замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида аҳолига хизмат кўрсатилади. Бундай шароитлар натижасида ташхис қўйиш осонлашади ва шу ернинг ўзида кундузги шифохонада муолажалар қилинади. Поликлиникамиз бир кунда 150 қатновга мўлжалланган.

Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси «Саломатлик ҳафтаси» деб белгиланган. Албатта, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу сабабли туғиш ёшидаги аёлларимизнинг ҳар бирини тиббий кўрикдан ўтказиб келамиз. Бунинг учун йил бошидан бери бизга бириктирилган еттита маҳалла фаоллари, маслаҳатчилари, раислари, хотин-қизлар кенгаши раислари билан биргаликда режа тузилади. Қандай ишлар амалга оширилса, аёлларимизни янада соғлом бўлишларини таъминлашимиз мумкинлигига эътибор қаратилади. Маҳаллаларимизнинг шароитлари яхшилиги боис, ўша ернинг ўзига текширув учун керак бўладиган асбоб-ускуналаримизни олиб борамиз. Рўйхатга олинган аёлларнинг ҳаммаси элликтага бўлиниб, маҳалла хотин-қизлар кенгаши ходими ва гинекологимиз, оилавий шифокоримиз, маҳалла ҳамшираси бириктирилиб, гуруҳ тузилади. Ушбу гуруҳ 50-60 нафар аёлнинг саломатлигини текширувдан ўтказади. Поликлиникада тиббий кўрикдан ўтиши режалаштирилади. Ҳомиладор бўлса бу жараён кузатилади. Туғиш муддати яқин бўлса назорат кучайтирилади. Фарзанд дунёга келган бўлса янги меҳмонни соғлом вояга етишига эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, битта гуруҳ оиланинг саломатлигини текширувдан ўтказади. Айниқса, туғиш ёшидаги аёлларга эътибор кучли. Поликлиникада шундай шароит яратилганки, ҳар бир хона оилавий шифохона тизимига мослаштирилган. Бу эса бир вақтнинг ўзида катталар, болалар, туғиш ёшидаги аёлларни текшириш имконини беради. Бундан ташқари поликлиникамизда ҳарбий хизматга чақириладиган, айрим хасталиклари бор ўсмирларни жисмонан соғломлаштириш хонаси ҳам мавжуд.

Бугунги кунда барча қулайликларга эга тиббиёт масканида касалликларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда самарали даволаш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

**Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида концерн тизимидаги корхоналарда йигирма учта йирик инвестиция дастури бажарилаётир. Жумладан, «Jurabek Laboratories» корхонасида инфузион эритмалар ишлаб чиқариш учун қўшимча цех барпо этилмоқда. «Nasa» хусусий корхонасида болаларни овқатлантиришга мўлжалланган пластик идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Nova Pharm» қўшма корхонасида таблетка ва капсула шаклидаги янги дориларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Радикс» корхонасида таблетка, гален ва суртма препаратлар кўринишидаги дори воситалари, «Dentafill Plyus» корхонасида суспензия, қуруқ кукун шаклидаги антибиотик ҳамда таблеткалар ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари якунланиш арафасида.

Корхоналар томонидан бу йўналишда бажарилаётган кенг қамровли модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш ишлари натижасида жорий йилнинг олти ойи мобайнида йигирма саккиз номда ана шундай янги маҳсулот, дори-дармон ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шамоллашга қарши «Амоклаф», ошқозон хасталикларини даволашда ишлатиладиган «Энзирем», кардиологияда қўлланиладиган «Кардиопас» препарати шулар жумласидандир. Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хориждаги аналогларидан сифат жиҳатдан қолишмайди, нархи эса бир неча баробар арзон. Шу боис, уларга нафақат юртимизда, хорижда ҳам талаб катта. Кейинги йилларда маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган икки юз ўттиз номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар чет мамлакатларда рўйхатдан ўтгани ва жаҳоннинг ўнга яқин давлатига етказиб берилаётгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз фармацевтика бозорини сифатли дори-дармон билан тўлдириш ва экспорт салмоғини оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бу йўналишда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ўн бешта фармацевтика корхонасида ISO 9001 ва GMP халқаро сифат стандартлари жорий этилди. Дори-дармон ишлаб чиқариш муассасаларида маҳсулот сифати менежменти тизими такомиллаштирилмоқда.

Маълумки, барча соҳада бўлгани каби фармацевтика саноатида ҳам илм-фан ва технологиялар ютуқларидан кенг фойдаланиш тараққиётнинг муҳим шартидир. Бу борада ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий муассасалар ўртасида йўлга қўйилган алоқалар тармоқ ривожида муҳим омил бўлмоқда. Кейинги йилларда олимларимиз томонидан ўттиздан зиёд янги дори воситаси яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. «Целагрипп», «Лагоден», «Фенасол», «Галантамин», «Альбендазол» шулар жумласидандир. Маҳаллий хомашё ва ўзимизда яратилган замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотларнинг сифати ва самарадорлиги мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда, тиббиётда кенг қўлланилаётир.

Илм-фаннинг ушбу йўналишдаги ихтиро ва ютуқларини янада такомиллаштириш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлаётир. Ушбу йўналишда анъанавий ўтказилаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фармацевтика саноати корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган бешинчи ярмаркада «Ўзфармсаноат» тизимидаги корхоналар ва бир қатор илмий ва ишлаб чиқариш муассасалари ўртасида қиймати 208 миллион сўмлик саккизта шартнома имзоланди ва уларни бажариш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Фармацевтика соҳасида 2015 йилгача бўлган даврда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастури асосида йўлга қўйилган изчил чора-тадбирлар бу борада ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ушбу дастурга мувофиқ, қиймати 500 миллион АҚШ долларидан кўпроқ ҳажмдаги олтмишдан зиёд лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар фармацевтика саноатимизни янада ривожлантириш ва маҳсулот сифатини юксалтиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш, валютани тежаш ва юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга эришилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ — ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбирда Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари, Халқ таълими вазирлиги ходимлари, матбаа-noширлик корхоналари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланган матбаачиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага янги технологияларнинг кириб келиши баробарида ички бозорлардаги матбаа маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирила бошланди. Бу жараён ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан жаҳон стандартларига мос бўлишини таъминлади.

— Мамлакатимизга ташқаридан халқимизнинг миллий маънавиятига зид бўлган турли хилдаги ёзув дафтарларининг кириб келишининг олдини олиш, Республика истеъмол бозорини, шу жумладан, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос бўлган сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида 2009 йил 18 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди, – дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Рўзмат Сафоев. – Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар дастуридаги 5 та асосий йўналиш қуйидагилардир: ишлаб чиқарилаётган ёзув дафтарлари сифатини ошириш, ёзув дафтарларини ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтарларининг республикага келтирилишининг олдини олиш ва сотилишини ман этиш, миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтарларидан республика таълим муассасаларида фойдаланишни тақиқлаш ишларини кучайтириш. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари халқимизнинг дафтар, китоб ва бошқа қоғоз хом ашёсидан тайёрланадиган ўқув анжомларига бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятига эга. Улар мамлакатимизга миллий маънавиятимизга зид бўлган турли расмлар туширилган ёзув дафтарларининг четдан кириб келишининг олдини олиш, республикамиз ўқувчи ва талабаларини миллий қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш борасида масъулият билан хизмат қилишмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2012 йилнинг январь-июль ойларида республикадаги йирик матбаа корхоналари томонидан жами 69 млн. дона дафтар маҳсулотлари тайёрланди. Жумладан, 12 варақли дафтардан 63,5 млн. дона, умумий дафтардан 3,45 млн. дона, расм дафтардан 0,95 млн. дона ва кундалик дафтарлардан 1,1 млн. дона ишлаб чиқарилган. Асосийси, дафтар маҳсулотларининг сифати ва безакларининг миллий маънавиятимизга мослиги бўйича дастур талабларига жавоб бера оладиган мактаб анжомларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда 149 та матбаа корхонаси мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 1500 тадан ошди.

Анжуман давомида Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан жойларда мунтазам рейд текширувлари ўтказилаётгани, ностандарт дафтар маҳсулотларини олиб кириш, тарқатилишига қарши қатъий чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақида маълумотлар берилди. Бундан ташқари ҳукумат қарорлари ижроси йўлида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мактаб дафтарлари, кундалик ва расм дафтарларига оид тармоқ стандартлари ишлаб чиқилди. Дафтар муқоваларининг миллий маънавиятимизга мос келадиган расмлар билан безатилиши масалалари билан шуғулланувчи доимий ишчи гуруҳи тузилиб, фаолият олиб бормоқда. Бу гуруҳга Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика таълим марказининг Янги авлод дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмаларини яратиш бўлимлари, Республика Миллий ғоя ва миллий мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг етакчи мутахассислари жалб этилган ва 100 дан ортиқ турдаги дафтар муқовалари ишлаб чиқилди.

Ҳозирда республикамизда дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 21 та матбаа корхоналари фаолият юритмоқда. Республикадаги ички бозорнинг турли хил дафтар маҳсулотларига бўлган бир йиллик эҳтиёжи ўртача 120-150 миллион донани ташкил этади. Ушбу эҳтиёжни тўла қамраб, маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавиятимиз талабларига жавоб берадиган сифатли мактаб анжомлари билан таъминлаш вазифасининг тўлиқ амалга оширилиши учун барча имкониятлар мавжуд.

**Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА**

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Бугунги кунда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш энг устувор йўналишлардан бирига айланган.***

Мамлакатимиз Президентининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти кўламини янада кенгайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларни оилага тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг кўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирда, эл-юрт манфаати учун хизмат қилувчи ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Айниқса, ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида оилавий ҳаёт остонасида турган ёшлар ўртасида «Ёш оила мактаби» ўқув-машғулотларини олиб бориш, машғулотлар давомида оилавий ҳаёт сабоқларидан, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом фарзандлар дунёга келтириб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган ўқув-тарбия соатлари амалга оширилмоқда.

Бунда, аввваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларнинг тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишини шакллантириш, оила муқаддаслиги, мустаҳкамлигини таъминлашга эътиборини қаратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ тузиш туғма ва ирсий касалликлар манбаи эканлиги, ногирон ва туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш юзасидан тушунтиришлар берилмоқда. Шунингдек, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, болалар ва ўсмирларни маънан ва жисмоний жиҳатдан бекаму кўст ҳамда уйғун камол топтириш, қизларимиз онгида оналик, йигитларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, аҳолининг репродуктив саломатлиги ва тиббий маданиятини ошириш борасида ўтказилаётган саъй-ҳаракатлар жамиятимиз таянчи бўлган оилада соғлом муҳитни яратиш ва шакллантиришда, оила барқарорлигини таъминлашда асқотади.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги йўлида амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлар эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилади, қолаверса оила, миллат, жамият саломатлигига эришувимизни таъминлайди

**Вазира ЮНУСОВА,**
**Наврўз никоҳ уйи директори**





Спорт

# ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР САРҲИСОБИ

***Жорий йилнинг 14-17 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган каратэ бўйича катталар ўртасида XI ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги XII Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 9 кумуш ва 4 бронза, жами 14 медални қўлга киритди.***

Пойтахтимизда мазкур нуфузли мусобақа якунлари, қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси вакиллари, спортчи ва мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда каратэ миллий федерацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, яккакураш турларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида каратэчиларимиз халқаро майдонларда юксак натижаларга эришаётгани алоҳида таъкидланди.

Қитъамизнинг ўттиздан зиёд давлатидан минг нафарга яқин спортчи иштирок этган Осиё чемпионатида иқтидорли спортчимиз Шаҳзода Ортиқова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Садриддин Сайматов, Жамшид Сайфуддинов, Аҳрорбек Нозимбоев, Беҳзод Тўйев, Дилноза Юсупова, Фарангиз Хандалова, Зуҳра Қурбонова ва Дилдора Турсунова кумуш медални қўлга киритган бўлса, Ғофуржон Зоҳидов бронза медаль билан тақдирланди. Ўсмирлар ўртасидаги жамоавий ката баҳсида Набижон Ёрмуҳаммедов, Азиз Сатторов, Муҳаммад Отабобоевдан иборат жамоамиз учинчи ўринни эгаллади.

Катталар ўртасида Муҳаммадзоҳид Иминов кумуш, Рустам Ашуров ва Дилфуза Акбарова бронза медални қўлга киритди.

– Пойтахтимизда илк маротаба ташкил этилган Осиё чемпионати спортчиларимизнинг салоҳияти ва тажрибасини баҳолаш имконини берди, – дейди каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Комилжон Одилов. – Мазкур нуфузли мусобақа ёш спортчиларимиз учун маҳорат мактабини ўтаган бўлса, терма жамоамизнинг тажрибали аъзолари учун жорий йилнинг ноябрь ойида Францияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан ўзига хос синов вазифасини бажарди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

***XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди. Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.***

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини одам савдосидан муҳофаза этиш, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда одам савдосининг аянчли оқибатларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси мамлакатимиз бўйлаб барча ҳудудларда изчил бажарилиб келинмоқда.

Жумладан, Сергели туманида ҳам Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идоралари комиссияси ташкил этилган бўлиб, комиссия аъзолари туман хотин-қизлар қўмитаси, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, академик лицейларда ҳамда Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида «Одам савдоси – трансмиллий жиноят», «Қулликка рози бўлманг» каби муҳим мавзуларда 2012 йилнинг биринчи ярмида 27 та маъруза, 31 та давра суҳбати ва 29 та учрашувларни уюштирди.

Яқинда Сергели туман ҳокимлигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идоралар комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. «Одам савдоси – қуллик балоси» мавзусида бўлиб ўтган ушбу муҳим йиғилишда туман корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар бошлиқлари иштирокида Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман одоралараро комиссиянинг 2012 йил биринчи ярим йилликда бажарилган ишлари таҳлил қилинди.

— Афсуски, бугунги кунга келиб, одам савдоси каби ҳодиса трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлиб, ҳозирда дунё бўйича шунчалик кенг тарқалганки, олиб борилган таҳлиллар натижасида ундан жабр кўрган одамлар сони миллионларни ташкил қилмоқда, — деди жумладан йиғилишни олиб борган туман ҳокими Отабек Содиқов. Одам савдоси — бугунги кунда энг катта муаммолардан бири. Бундай балога учраётган кишилар ўзларининг соддаликлари, ҳаётларига, яқинларига, уларнинг тақдири ва келажагига бефарқ бўлишлари, олий неъмат деб аталмиш ҳаёт тушунчасига енгил-елпи ва бепарволик билан қарашлари оқибатида бундай ёвуз кимсаларнинг ўлжасига айланмоқда.

Шунингдек, комиссия йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида одам савдоси жабрдийдаларини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза этиш масалалари юзасидан бажарилган ишлар хусусида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш маркази директори Холида Низамова ҳамда туман маҳаллаларида ва ўқув юртларида ёшлар ўртасида олиб борилган тадбирлар тўғрисида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими Кенгаши раиси Равшан Байкуловлар тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ойбек Олимбеков, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжанова ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази Сергели тумани бўлими раҳбари Баҳодир Ҳаитматовлар туман аҳолиси орасида ахборот – тарғибот ишлари кўлами ва таъсирчанлигини янада оширишнинг янги усулларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритишди.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOShShAHARNUR» ДУК Марказий нозимлик хизмати Тошкент шаҳри кўчаларини ёритиш масалалари бўйича шикоят ва мурожаатларни қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилади: 232-20-20, 233-35-64.

Кўчалар ташқи ёритилишининг ишламаслиги ҳақидаги мурожаатлар туман ёритиш хизматларида қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

| | |
|---|---|
| Мирзо Улуғбек тумани | 265-11-90 |
| Ҳамза тумани | 296-16-48 |
| Шайхонтоҳур тумани | 245-57-04 |
| Олмазор тумани | 246-87-03 |
| Яккасарой тумани | 215-59-17 |
| Учтепа тумани | 278-37-18 |
| Миробод тумани | 293-40-87 |
| Сергели тумани | 215-25-34 |
| Чилонзор тумани | 288-20-33 |
| Бектемир тумани | 295-05-50 |
| Юнусобод тумани | 212-10-53 |

Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганда, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 055 (куну тун), 250-43-08 соат 9.00 дан 18.00 гача.

Шунингдек, E-mail: toshnur@inbox. ru.
«TOShShAHARNUR» ДУК маъмурияти.

